



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 8 » avgust

№ 437

Toshkent sh.

### “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Жамиятда янги маънавий макон яратишида хотин-қизларнинг фаоллигини қўллаб-кувватлаш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришида жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) ҳамда кенг жамоатчиликнинг Кўмита, Корақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида доимий асосда фаолият юритувчи юридик шахс бўлмаган жамоатчилик тузилмаси – “**Оқила аёллар**” ҳаракатини (кейинги ўринларда – Ҳаракат) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

#### 2. Ҳаракатнинг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:

жамиятда янги маънавий макон яратиш, эзгу гоялар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналарни сингдиришга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулияти, ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти, маърифатли жамиятни куришда маърифатли оналарнинг ролини кенг тарғиб қилиш;

аёллар, айниқса, ёш қизларда оиласида Ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш, “одобли қиз” ва “маърифатли она” қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд, айниқса, қизлар тарбияси, оила, оналар маънавиятини юксалтириш, оилаларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни шакллантириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида оилавий-хуқуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида бўлиш масалаларини ҳамда “**Оила – муқаддас**” тушунчасини кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини халқчил тилда тушунтириш.

3. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ҳаракат, қоида тариқасида, Кўмитада – **50** нафар, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида – **35-40** нафардан, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида – **30** нафардан фаол ва ташаббускор аёллардан иборат таркибда шакллантирилади.

Бунда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари томонидан ҳар бир маҳаллада **15** нафар фаол ва ташаббускор аёллардан иборат Ҳаракатнинг бошланғич гуруҳлари ташкил этилади;

б) Кўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари тегишлича Кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туман (шаҳар)ларда “**Оқила аёллар**” ҳаракати фаолиятини самарали ташкил этишга шахсан масъул ҳисобланади;

в) Ҳаракат ўз фаолиятини мазкур қарор билан маъқулланаётган Намунавий низомга мувофиқ ишлаб чиқиладиган ҳамда тегишлича Кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари томонидан тасдиқланадиган Низом асосида амалга оширади;

г) Ҳаракат ва унинг бошланғич гуруҳлари таркибига киритилган фаол ва ташаббускор аёллар Ҳаракат томонидан “Маърифат” тарғиботчилар жамияти билан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш йўналишида амалга оширган ишларининг натижадорлигига кўра жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан рағбатлантириб борилади.

Бунда фаол ва ташаббускор аёллар фаолияти натижалари бўйича тегишлича Кўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошлиқлари тавсиясига асосан давлат мукофотлари, “**Мўътабар аёл**”, “**Маҳалла ифтихори**”, “**Меҳнат фахрийси**” кўкрак нишони ва бошқа эсадлик, кўкрак нишонлари, идоравий мукофотларга тавсия этилиши, шу жумладан, санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар берилиши мумкин;

д) Кинематография агентлиги томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган фильмлар орқали оилавий ва маънавий қадриятларни асрабавайлаш, эзгу ғояларни сингдириш, хотин-қизларнинг маънавиятини юксалтириш, фарзанд тарбиясида оила ва аёлларнинг ролини ошириш мақсадида Ҳаракатдан малакали мутахассисларни эксперт сифатида жалб этиш чоралари кўрилади.

4. Куйидагиларни назарда тутувчи “Оқила аёллар” ҳаракати тўғрисидаги намунавий низом иловага мувофиқ маъқуллансин:

“Оқила аёллар” ҳаракатини фаол ва ташаббускор аёллардан иборат (Кўмитада 50 нафар, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида 35-40 нафардан, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида 30 нафардан, шунингдек, ҳар бир маҳаллада 15 нафардан иборат бошланғич гуруҳлар) таркибда шакллантириш;

Ҳаракат таркибига киритилган фаол ва ташаббускор аёллар ичидан очик овоз бериш йўли билан Ҳаракат (бошланғич гуруҳ) етакчисини сайлаш;

Кўмита, худудий бошқармалар, туман (шаҳар) бўлимлари томонидан Ҳаракат ва унинг бошланғич гуруҳлари таркибини қайта кўриб чиқиб, заруратга кўра, янгилаб бориш, Ҳаракатнинг ярим йилликка мўлжалланган иш режаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.

5. Кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар кўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари **2022 йил 1 сентябрга қадар** мазкур қарор билан тасдиқланган Намунавий низом асосида тегишлича “Оқила аёллар” ҳаракати тўғрисидаги низом ҳамда Ҳаракатнинг **2022 йил II ярим йилликка мўлжалланган иш режасини** тасдиқласин.

Бунда иш режасини шакллантиришда Ҳаракат ва “Маърифат” тарғиботчилар жамиятининг ўзаро ҳамкорлигида маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оила ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилашга алоҳида эътибор қаратилади.

6. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситаларига ушбу қарорда белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишини ҳамда Ҳаракат фаолиятини мунтазам ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси раиси З.Б. Маҳкамова зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил 8 августдаги 437сон қарорига  
илова

## “Оқила аёллар” ҳаракати тўғрисида НАМУНАВИЙ НИЗОМ

### 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом (кейинги ўринларда – Низом) “Оқила аёллар” ҳаракати (кейинги ўринларда – Ҳаракат)нинг мақсади ва асосий вазифаларини, Ҳаракатнинг таркибини шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ҳаракат Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита)да, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида ҳамда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида доимий асосда фаолият юритувчи юридик шахс бўлмаган жамоатчилик тузилмаси ҳисобланади.

Туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари томонидан ҳар бир маҳаллада Ҳаракатнинг бошланғич гурухлари ташкил этилади.

3. Ҳаракат жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини кўллаб-қувватлаш, эзгу ғояларни сингдириш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришда жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёллар орасидан шакллантирилади.

4. Ҳаракат ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонунчилик хужжатларига ҳамда мазкур Низомга мувофиқ амалга оширади.

5. Ҳаракат ўз фаолиятини қонунийлик, ошкоралик, коллегиаллик, тенг хуқуқлилик, ихтиёрийлик асосида амалга оширади.

### 2-боб. Ҳаракатнинг мақсади, асосий вазифалари ва функциялари

6. Ҳаракатнинг мақсади – жамоатчиликка, энг аввало, ёшларга тарбиявий таъсир кўрсата оладиган обрў-эътиборли ва катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, фаол ва ташаббускор аёлларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш орқали жамиятда янги маънавий макон яратишда хотин-қизларнинг фаоллигини кўллаб-қувватлаш, эзгу ғояларни сингдириш, фарзанд тарбияси, оила, хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш ишларининг самарадорлигини оширишдан иборат.

## 7. Ҳаракатнинг асосий вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

жамиятда янги маънавий макон яратиш, эзгу ғоялар, миллий қадриятлар, урф-одатлар, муқаддас анъаналарни сингдиришга қаратилган тизимли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш;

маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш, фарзанд тарбиясида ота-онанинг масъулиятини, ибратли ота-она бўлишнинг аҳамияти, маърифатли жамиятни қуришда маърифатли оналарнинг ролини кенг тарғиб қилиш;

аёллар, айниқса, ёш қизларда оиласа ва Ватанга садоқат, фидойилик, ташаббускорлик туйғуларини сингдириш, “одобли қиз” ва “маърифатли она” қиёфасини шакллантиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд, айниқса, қизлар тарбияси, оила, оналар маънавиятини юксалтириш, оилаларда китобхонлик, мутолаа маданиятини тарғиб этиш, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни шакллантириш, оиланинг тарбиявий-таълим салоҳиятини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

ёшлар ўртасида оилавий-ҳукуқий муносабатлар, оилавий ҳаёт психологияси, оила иқтисоди ва бюджети, репродуктив саломатлик асослари, маънавий-ахлоқий қадриятларга нисбатан ҳурмат руҳида бўлиш масалаларини ҳамда “Оила – муқаддас” тушунчасини кенг тарғиб қилиш;

хотин-қизларнинг мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларга дахлдорлик ҳиссини ошириш, уларга қабул қилинаётган қонунчилик хужжатларининг мазмун-моҳиятини халқчил тилда тушунтириш.

## 8. Ҳаракат ўзига юклатилган асосий вазифалардан келиб чиқиб қўйидаги функцияларни бажаради:

### a) Қўмита дараҷасида:

Ҳаракатнинг асосий вазифаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар дараҷасида Ҳаракат фаолиятини мувофиқлаштиради, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Ҳаракатни самарали ташкил этиш билан боғлиқ методик тавсияларни ишлаб чиқади ва ҳудудларга етказилишини таъминлайди;

Ҳаракат таркибиға киритилган фаол ва ташаббускор аёллар учун ўкув курслари, давра сухбатлари ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш бўйича республика ва халқаро тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;

Ҳаракат фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш чораларини кўради;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қызлар құмитаси, вилояттар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қызлар бошқармалари даражасыда:

Харакатнинг асосий вазифалари бүйича туман (шаҳар)лар ва маҳаллаларда чора-тадбирларни амалга оширади;

туман (шаҳар)лар ва маҳаллалар даражасыда Харакат фаолиятини мувофиқлаштиради, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш бүйича таклифлар тайёрлайди;

Харакатни самарали ташкил этиш билан боғлиқ методик тавсияларни ишлаб чиқади ҳамда туман (шаҳар)лар ва маҳаллаларга етказади;

Харакат таркибига киритилган фаол ва ташаббускор аёллар учун ўқув курслари, давра сұхбатлари ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш бүйича бошқа тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;

Харакат фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш чораларини кўради;

в) туман (шаҳар) оила ва хотин-қызлар бўлимлари даражасыда:

Харакат фаолиятининг асосий йўналишлари бүйича туман (шаҳар)даги ташкилотларда, шунингдек маҳаллаларда чора-тадбирларни амалга оширади;

маҳалла даражасыда Харакат фаолиятини мувофиқлаштиради, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш бүйича таклифлар тайёрлайди;

Харакатни самарали ташкил этиш билан боғлиқ методик тавсияларни ишлаб чиқади ва маҳаллаларга етказади;

Харакат таркибига киритилган, шунингдек, маҳаллалардаги фаол ва ташаббускор аёллар учун ўқув курслари, давра сұхбатлари ва ижобий тажрибаларни оммалаштириш бўйича бошқа тадбирларни ташкил этади ва ўтказади;

Харакат фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш чораларини кўради;

г) маҳалла даражасыда:

Харакатнинг асосий йўналишлари бўйича маҳаллада “хонадонбай” манзилли чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

маҳаллада оила вакиллари ва хотин-қызлар ўртасида очиқ мулокотлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларни ўтказади;

Харакатнинг асосий вазифалари бўйича маҳаллаларда мавжуд муаммоларни бартараф этиш ва иш самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

Харакат фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритиш чораларини кўради.

Ҳаракат фаолиятини оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали ёритиш чораларини кўради.

### **3-боб. Ҳаракатнинг таркибини шакллантириш ва фаолиятини ташкил этиш тартиби**

9. Ҳаракат, қоида тариқасида, Кўмитада – **50** нафар, тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармаларида – **35-40** нафардан, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларида – **30** нафардан фаол ва ташаббускор аёллардан иборат таркибда шакллантирилади.

Бунда туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари томонидан ҳар бир маҳаллада **15** нафар фаол ва ташаббускор аёллардан иборат Ҳаракатнинг бошлангич гурӯхлари ташкил этилади.

10. Кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар)лар оила ва хотин-қизлар бўлимларидағи ҳаракатлар ҳамда уларнинг маҳаллалардаги бошлангич гурӯхлари таркиби тегишлича Кўмита раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари бошликлари томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар уч йилда камида бир маротаба кўриб чиқилади.

Ҳаракат таркибига киритиш учун номзодлар вазирликлар ва идоралар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, бошқа фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа ташкилотлар томонидан тавсия этилиши мумкин.

11. Ҳаракат етакчиси ҳар уч йилда Ҳаракат таркибига киритилган аёллар орасидан очик овоз бериш орқали сайланади.

Ҳаракат етакчиси уч ой давомида Ҳаракатга юклатилган вазифалар ижросини ташкил этмаган тақдирда, Ҳаракат фаолиятининг натижаларини муҳокама қилиш бўйича ўтказиладиган Ҳаракатнинг навбатдаги мажлиси якунида унинг ўрнига Ҳаракат таркибидан бошқа номзодни сайлаш масаласи кўриб чиқилади, узрли сабаблар (касаллик, табиий оғат, хизмат сафари, оғир оиласи шароит ва бошқалар) бундан мустасно.

12. Кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар)лар оила ва хотин-қизлар бўлимлари тегишлича Ҳаракатнинг ишчи органи ҳисобланади ҳамда Ҳаракатга юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлашга доимий равищда кўмаклашиб боради.

Маҳаллалардаги Ҳаракатнинг бошлангич гурӯхлари фаолиятини самарали ташкил этиш, шу жумладан, иш юритиш хужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштиришга маҳалладаги хотин-қизлар фаоли масъул ҳисобланади.

13. Ҳаракатнинг иш режаси, қоида тариқасида, ҳар олти ой (ярим йиллик) учун тузилади.

Иш режасида Ҳаракат ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти ҳамкорлигига маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитни соғломлаштириш, оила ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган чоратадбирлар алоҳида белгиланади.

Ҳаракатнинг иш режаси республика даражасида – Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар даражасида – Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар)лар ва маҳаллалар даражасида – туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимлари томонидан тасдиқланади.

Республика даражасида, ҳудудий ва туман (шаҳар)лар, маҳаллалардаги Ҳаракат фаолиятининг натижалари унинг мажлисларида, Қўмита ва унинг ҳудудий бўлинмалари йиғилишларида ҳар уч ойда камида бир маротаба мұхокама қилиб борилади.

#### **4-боб. Ҳаракат ва унинг бошланғич гурӯҳи хукуқ ва мажбуриятлари**

14. Ҳаракат ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги хукуқларга эга:

ўз фаолиятига тааллуқли масалаларни ҳал этиш учун зарур маълумотларни ваколатли давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда олиш юзасидан тегишлича Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларига таклифлар киритиш;

ўз фаолияти давомида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббуслар билан чиқиши, давлат органлари ва ташкилотлари, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига таклифлар киритиш юзасидан тегишлича Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларига тавсиялар бериш;

оила ва хотин-қизларни тизимли равишида қўллаб-қувватлаш, Ҳаракат фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларида қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ҳамда ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан тегишлича Қўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларига таклифлар киритиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан учрашув, йиғилишлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларга оммавий ахборот воситаларини жалб

этиш юзасидан тегишлича Кўмита, Қорақалпогистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар оила ва хотин-қизлар бошқармалари, туман (шаҳар) оила ва хотин-қизлар бўлимларига таклифлар киритиш.

**15. Ҳаракат:**

ўз фаолиятида қонунчилик хужжатларига ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиши;

тегишлича юқори турувчи Ҳаракат қарорларини амалиётга татбиқ этиши;

Ҳаракат фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича чора-тадбирларни манзилли ва самарали амалга ошириши;

қонунчилик хужжатларида ўзига юклangan бошқа мажбуриятларни бажариши шарт.

**16. Ҳаракат етакчиси ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда қуйидаги хукуқларга эга:**

давлат органлари ва ташкилотларида, шу жумладан, юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларда Ҳаракатнинг манфаатларини ифодалаш;

Ҳаракат фаолиятига тааллуқли масалаларни ҳал этиш учун зарур маълумотларни ваколатли давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгилangan тартибда олиш юзасидан Ҳаракат йиғилишига таклифлар киритиш;

Ҳаракат фаолияти давомида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббуслар билан чиқиш, давлат органлари ва ташкилотларида, ҳалқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига таклифлар киритиш масаласини Ҳаракат йиғилишига муҳокама қилиш учун киритиш;

оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш, Ҳаракат фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларида қонунчилик хужжатларини такомиллаштириш ҳамда ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан таклифларни Ҳаракат йиғилишига муҳокама қилиш учун киритиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан учрашув, йиғилишлар, давра сухбатлари ва бошқа тадбирларга оммавий ахборот воситаларини жалб этиш юзасидан таклифларни Ҳаракат йиғилишига муҳокама қилиш учун киритиш.

**17. Ҳаракат етакчisi:**

ўз фаолиятида қонунчилик хужжатларига ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиши;

Ҳаракат фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда тегишлича юқори турувчи Ҳаракат қарорларини амалиётга татбиқ этиш чораларини кўриши;

Ҳаракат фаолиятининг асосий вазифалари бўйича чора-тадбирларнинг манзилли ва самарали амалга оширилишини таъминлаши;

ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлиши, уларнинг қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига йўл қўймаслиги, шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслиги;

ўз билимларини, айниқса, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги ҳуқуқий билимларини ошириб бориши;

Ҳаракатнинг қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаши шарт.

18. Ҳаракат ва унинг бошланғич гурӯҳи таркибига киритилган шахслар ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда қуидаги ҳуқуқларга эга:

ўз фаолиятига тааллуқли масалаларни ҳал этиш учун зарур маълумотларни ваколатли давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда олиш юзасидан Ҳаракат (бошланғич гурӯх) етакчисига таклифлар киритиш;

ўз фаолияти давомида аниқланган муаммоларни ҳал этишга қаратилган ташаббуслар билан чиқиши, давлат органлари ва ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига таклифлар киритиш юзасидан Ҳаракат (бошланғич гурӯх) етакчисига тавсиялар бериш;

оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлаш, Ҳаракат фаолиятини самарали ташкил этиш масалаларида қонунчилик ҳужжатларини такомијлаштириш ҳамда ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Ҳаракат (бошланғич гурӯх) етакчисига таклифлар киритиш;

ўз фаолиятига тааллуқли масалалар юзасидан учрашув, йигилишлар, давра сұхбатлари ва бошқа тадбирларга оммавий ахборот воситаларини жалб этиш юзасидан Ҳаракат (бошланғич гурӯх) етакчисига таклифлар киритиш.

19. Ҳаракат таркибига киритилган шахслар:

ўз фаолиятида қонунчилик ҳужжатларига ва мазкур Низом талабларига қатъий риоя қилиши;

Ҳаракат фаолиятида фаол иштирок этиш, тегишлича юқори турувчи Ҳаракат қарорларини амалиётга татбиқ этиши;

Ҳаракат фаолиятининг асосий вазифалари бўйича чора-тадбирларни манзилли ва самарали амалга ошириши;

ўз фаолияти давомида фуқаролар билан хушмуомала ва холис бўлиши, уларнинг қадр-қиммати камситилишига, ҳуқуқ ва эркинликлари поймол этилишига йўл қўймаслиги, шахсий ҳаётга оид маълумотларни ўзгаларга ошкор қилмаслиги;

ўз билимларини, айниқса, инсон ҳуқук ва эркинликлари ҳамда оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш соҳаларидағи ҳуқуқий билимларини ошириб бориши шарт.

**5-боб. Ҳаракат ва унинг бошланғич гурӯҳи тарқибиға киритилган шахсларни рағбатлантириш**

20. Ҳаракат (бошланғич гурӯҳ) тарқибиға киритилган шахслар Ҳаракат ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти томонидан ҳамкорликда маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оила ва хотин-қизлар маънавиятини юксалтириш йўналишида амалга оширган ишларининг натижадорлигига кўра рағбатлантирилиши (шу жумладан, фахрий ёрликлар, пул мукофотлари, қимматбаҳо совғалар кабилар билан тақдирланиши) мумкин.

Ҳаракат (бошланғич гурӯҳ) тарқибиға киритилган шахслар амалга оширган ишларининг натижадорлигини аниқлашда худудда истиқомат қилаётган оиласларда ижтимоий-маънавий муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг камайиши (олди олиниши) билан боғлиқ кўрсаткичлар инобатга олинади.

Шунингдек, Ҳаракат (бошланғич гурӯҳ) тарқибиға киритилган фаол ва ташаббускор аёллар фаолияти натижалари бўйича Кўмита раиси, “Маърифат” тарғиботчилар жамияти раиси ва худудий бўлинмалар раҳбарларининг тавсиясига асосан давлат мукофотлари, “Мўътабар аёл”, “Маҳалла ифтихори”, “Мехнат фахрийси” кўкрак нишони ва бошқа эсдалик, кўкрак нишонлари, идоравий мукофотларга тавсия этилиши ҳамда санаторийларда даволаниш учун йўлланмалар берилиши мумкин.

21. Ҳаракат (бошланғич гурӯҳ) тарқибиға киритилган шахсларни рағбатлантириш билан боғлиқ харажатлар жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

**6-боб. Ҳаракатнинг хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар, маҳаллалардаги “Аёллар маслаҳат кенгашлари” ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги**

22. Ҳаракат фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича чоратадбирларни самарали амалга ошириш борасида маҳалладаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссияси, Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссия, “Ота-оналар университети”, “Аёллар маслаҳат кенгаши” ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан тизимли ҳамкорликни амалга оширади.

Ҳаракатнинг хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар, маҳаллалардаги “Аёллар маслаҳат кенгашлари” ва бошқа жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлиги натижалари қўшма йигилишларда ҳар уч ойда камида бир маротаба муҳокама этиб борилади.

23. Ҳаракат Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгаши, Маҳалла ва нуронийларни кўллаб-куватлаш вазирлиги, Ёшлиар ишлари агентлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боради.

**7-боб. Якунловчи қоида**

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

